

**ChEП «BEKTEMIR-SPIRT
EKSPERIMENTAL ZAVODI» AJ**

**Кузатув кенгашининг 2015 йил
26 июндаги №1-сонли йиғилиш**

баёнига асосан

“ТАСДИҚЛАНГАН”



М.Махмудов

ChEП «BEKTEMIR SPIRT EKSPERIMENTAL ZAVODI» AJ
“Жамият корпоратив маслаҳатчи тўғрисида”ги
НИЗОМ

Тошкент – 2015 йил

I. Умумий қондалар

Корпоратив Маслахатчи – жамият кузатув кенгашининг қарори билан ташкил этилади ва жамият акциядорларининг умумий йиғилиш ва кузатув кенгаши йиғилиши қарорларини ўз вақтида ижро этилишини таъминлайдиган, ижрони мониторингини олиб борилишини амалга оширадиган таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

Корпоратив Маслахатчи – кузатув кенгашининг кўрсатмасига асосан жамият бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларга риоя қилинишини мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини кузатув кенгаши томонидан назорат қилишини ташкил этади. Акциядорлар тўғрисидаги Маълумотларнинг акс эттирилишининг тўлиқчилиги, тижорат сирини хавфсизлигини ва ишончлилигини таъминлайди.

Мазкур Низом жамият таркибий бўлинмаси **Корпоратив Маслахатчи** фаолиятини белгилайди.

II. Корпоратив Маслахатчининг асосий вазифалари ва функциялари

2.1. Қўйидагилар Корпоратив Маслахатчининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуни талаблари доирасида жамият акциядорларини, кузатув кенгашини мунтазам равишда ишончли ахборот билан таъминлаш, умумий йиғилишлар ва кузатув кенгаши йиғилишларини ўтказишга тайёргарлик ишларини олиб бориш, акциядорларни ва кузатув кенгаши аъзоларини йиғилишга доир ахборот ҳамда керакли ҳужжатлар билан ўз вақтида танишишини ташкил этиш,

- жамият акциядорларининг умумий йиғилишлари ва кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларини ижро этилишини таъминлаш, камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига берилган тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилиши тўғрисида ахборот бериш, акциядорларнинг ҳамда кузатув кенгаши аъзоларининг корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир киритган таклифларини кузатув кенгаши йиғилишларига тайёрлаш;

2.2. Қўйидагилар Корпоратив Маслахатчининг асосий функциялари ҳисобланади:

- кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ белгиланган йуналишлар бўйича берилган қарорларни ижро этувчига етказиш, уларнинг ижро муддатлари доирасида ижро этилаётгани тўғрисида кузатув кенгашига ахборотлар тайёрлаш;

- жамиятда Корпоратив бошқариш принципларига риоя қилиниши натижалари тўғрисида кузатув кенгашига ахборот тайёрлаш;

- жамият ижроия органи томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг самаралилиги ва қонунийлигига риоя этилишини таҳлил этиб ҳисобот тайёрлаш;

- Корпоратив бошқариш соҳасида қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари (таъсис ҳужжатларига риоя қилиш, жамият кузатув кенгаш ва акциядорлар умумий йиғилишлари ўтказилиши) аниқланган тақдирда жамият кузатув кенгашига бу ҳақда ахборот бериш.

III. Корпоратив Маслаҳатчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1 Корпоратив Маслаҳатчи қўйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- хизмат вазифасини амалга ошириш давомида тижорат сири ҳисобланадиган масалалар бўйича жамиятнинг ҳужжатларини (раҳбарнинг буйруқлари, фармойишлари, бошқарув органлари қарорлари, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар, зарур ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари ва бошқа ҳужжатларни), сақланишини, жамият ижро органи томонидан юқори бошқарув органларининг қарорларини ижросини мониторинг ўтказиш йўли билан назорат қилиш, ушбу ижро юзасидан акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши учун корхона мансабдор ва масъул шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш;

- умумий йиғилиш ва кузатув кенгаши йиғилиши кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан, йиғилишга ишончли ахборот тақдим этишга жамиятнинг тегишли мутахассисларини хулоса олиш учун жалб этиш.

- ижро органи ҳужжатгоҳларидан ўз вазифасини амалга оширишда керак бўладиган ахборотларни олиш.

3.2. Корпоратив Маслаҳатчи қўйидагиларга мажбур:

- ўз вазифасини амалга оширишда мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш:

- ижроия органи архивидан ўз вазифасини амалга оширишда олинган ахборотнинг махфийлигига риоя қилиш:

- акциядорлар реестрига ўзгартиришлар киритилган тақдирда бу ҳақда дарҳол кузатув кенгашига хабар бериш ва тегишли ҳужжатларга ҳамда ўз ҳисоботига тегишли ёзувни қайд этиш:

- активларни хатловдан ўтказишда ва қонунда белгиланган тартибда унинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилишда иштирок этиш:

- тасдиқланган бизнес-режа бажарилишини, миқдор ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш, унинг бажарилиши таъминланмаган тақдирда (айбдор мансабдор шахслар шахсан кўрсатилган ҳолда) аниқланган сабаблар баёнини кузатув кенгашига тақдим этиш:

Жамият Корпоратив Маслаҳатчисига қонун ҳужжатларига ва жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

IV. Корпоратив Маслахатчига қўйиладиган талаблар.

4.1. Корпоратив Маслахатчи қўйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

- Корпоратив бошқарувни амалга ошириш мутахассислиги сертификатиغا эга бўлиш:

- Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат муассасасида олинган олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлиши:

- Корпоратив Маслахатчининг касб даражаси тегишли лицензияга эга бўлган таълим муассасаларида мунтазамлилик асосида малакаси ошириб борилади.

V. Корпоратив Маслахатчини тайинлаш, озод этиш ва унинг ойлик иш ҳақи ҳамда қўшимча харажатларни белгилаш.

5.1. Корпоратив Маслахатчи жамият кузатув кенгашига бевосита буйсунади.

5.2. Корпоратив Маслахатчини лавозимга тайинлаш ҳамда эгаллаб турган лавозимидан озод этиш кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади,

5.3. Корпоратив Маслахатчига бериладиган ойлик маоши кузатув кенгаши билан тузилган шартномага асосан тўланади. Бундан ташқари бошқа тўловлар ва рағбатлантириш жамият кузатув кенгаши қарорига асосан амалга оширилади.

VI. Корпоратив Маслахатчининг жавобгарлиги

6.1. Корпоратив Маслахатчи:

- ўзи ўтказган мониторинглар натижалари бузиб кўрсатилганлиги;
- ўзига тақдим этилган ёки у томонидан хизмат вазифасининг бажарилиши муносабати билан унга маълум бўлган жамиятнинг сирини ташкил этадиган ахборотнинг махфийлигига риоя қилинмаганлиги;
- олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилишини таъминланиши учун жавоб берадилар.